

► (Давоми 5-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

Қонунда ҳуқуқ ҳам, санкция ҳам аниқ белгиланиши керак

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, уларнинг ижтимоий аҳамияти ва амалиётда қўлланилишига доир фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.



Кун тартибдаги биринчи масала "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қаратилди. Депутат Д.Мамажонованинг фикрига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳоли

билан мулоқотни кучайтириш ва жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий кенгашларнинг ролини янада мустаҳкамлаш зарур.

Йиғилишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга

қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонунда интернет жаҳон ахборот тармоғидаги майда безорилик, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувларда ёҳуд ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишни ёки ҳарбий хизматга ёлланишни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик, намойиш этганлик, шахснинг ўзи содир этган ҳуқуқбузарлиги тасвирланган маҳсулотларни тарқатганлиги, реклама қилганлиги, намойиш этганлиги, шунингдек, банд солинган ёҳуд ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида хатланган мулкни қарздор томонидан қонунга хилоф равишда тасарруф этганлик учун жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда ҳам узоқ муҳокама қилинган эди. Қонун ижодкорлари лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида фракция томонидан билдирилган эътирозлар ва аниқлаштирилиши керак бўлган жиҳатларга эътибор қаратган.

Лойиҳа иккинчи ўқишда



яна қизғин муҳокама қилинди. Жумладан, депутат Ш.Назаров қонун лойиҳасининг айрим нормаларини янада такомиллаштириш лозимлигини таъкидлади. Масалан, лойиҳанинг банд солинган, ундирувга қаратилган ёҳуд ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида хатланган мулкни қарздор ёки ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан яшириш, йўқотиш ёҳуд унга шикаст етказиш ҳолатлари билан боғлиқ меъёрга аниқлик киритишни сўради. Депутатга кўра, юқоридаги ҳолатлар аниқ очиб берилиши ва меъёрлар

ўртасида мутаносиблик таъминланиши керак, акс ҳолда лойиҳанинг концепцияси бузилиши мумкин. Бу борада қўшимча фикр алмашувлар ўтказилиши билдирилди.

Фракция вакиллари маъмурий жавобгарликка оид ҳар бир нормани кўриб чиқаётганда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қай даражада ишончли ҳимоя қилинаётгани, одамларга ортиқча маъмурий босимнинг олдини олиш нуқтаи назаридан муҳокамадан ўтказишди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ПАРТИЯДОШЛАР!

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ турли соҳаларда фаол меҳнат қилиб келаётган 72 нафар аёл давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Расмий ҳужжатда аёлларга юксак эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда нуфузини ошириш, шунингдек, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ташаббускор хотин-қизларни рағбатлантириш мақсади қайд этилган.

Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг вакиллари ҳам бор. Улар ўз миннатдорлиги ифодаланган дил изҳорларини таҳририятга юборишди.

Эътиборхон ЮНУСОВА, Республика Маънавият ва маърифат марказининг Уйчи тумани бўлинимаси раҳбари, "Шуҳрат" медали соҳибаси:



– Бундай юксак мукофотга муносиб кўрилганим ҳақидаги хабарни эшитганимда қалбимни чексиз қувонч ва ҳаяжон туйғуси қамраб олди. Ростини айтсам, бу каби эътирофга сазовор бўлишимни ҳеч ўйламаган эдим.

Бу мен учун фақат шахсий ютуқ эмас, балки маънавият ва маърифат йўлида хизмат қилаётган барча фидойи инсонларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо, деб биламан.

Бугунги кунда юртимизда маънавият ва маърифатни юксалтириш, ёшлар қалбига ватанпарварлик, миллий ғурур ва юксак инсоний ғазилатларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бизнинг зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Чунки маънавият — жамият тараққиётининг мустаҳкам пойдевори, маърифат эса халқнинг онги ва келажагини белгилайдиган энг муҳим кучдир.

Маънавият ва маърифат марказидаги фаолиятимиз давомида турли учрашувлар, маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари орқали одамлар, айниқса, ёшлар қалбига эзгу ғоялар, миллий қадриятлар ва юртга садоқат туйғусини сингдиришга ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Бундай эзгу ишлар давлатимиз томонидан эътироф этилаётгани бизга янада катта руҳ ва

илҳом бағишлайди.

Фаолиятимиз давомида аҳоли ўртасида ҳуқуқий ва тиббий маданиятни юксалтириш, оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали оилаларда барқарорликни таъминлаш, хотин-қизлар бандлигини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий дафтар рўйхатида турган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Ажрим ёқасида турган оилалар билан профилтактик суҳбатлар ўтказиш, уларга ижтимоий-маънавий кўмак бериш ҳам марказ фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, жамиятда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, оилалар тотувлиги ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи тарғибот ишлари мунтазам йўлга қўйилган.

Шунингдек, бўлинма қошида нуруний, меҳнат фахрийлари, ижодкорлар, депутатлар, тадбиркорлар, иқтидорли ёшлардан таркиб топган "Тарбиямиз фидойилари" маърифий ҳаракати ҳамда тумандаги 53 та маҳаллада жамоатчилик асосида маҳалла "Маърифат" тарғиботчилари фаолияти йўлга қўйилиб, Уйчи таърибаси яратилди.

Меҳнатга яраша муносиб рағбат инсонни янгидан-янги марралар сари илҳомлантириб туради. Мен бу мукофотни келгусида янада кўпроқ изланиш, жамият маънавий муҳитини бойитиш ва ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги фаолиятимни янада кучайтиришга даъват деб қабул қиламан. Чунки маънавият ва маърифат йўлида хизмат қилиш — бу жамият онги, дунёқараши ва келажаги учун хизмат қилиш демакдир. Камтарона меҳнатимиз давлатимиз томонидан қадрланаётгани биз, соҳа ходимларига катта руҳ ва илҳом бағишлайди.

Бу юксак ишончни чуқур ҳис этган ҳолда, бундан буён ҳам юртимиз тараққиёти, жамиятимиз маънавий юксалиши ва келажак авлод камоли йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга интиламан. Бундай эътироф инсонни нафақат қувонтиради, балки унга янада катта масъулият ва бурч юклайди. Мен эса бу ишончни оқлашни ўзим учун энг устувор вазифа деб биламан.

Муаттар ҲАМРАЕВА, Чилонзор туманидаги "Гавҳар" маҳалла фуқаролар йиғини "Оқила аёллар" ҳаракати раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳибаси:



– "Оқила аёллар" ҳаракати ўз фаолиятини бошлаганига кўп бўлмади, аммо тизимли ва таъсирчан ишлари билан одамлар орасига кириб борди. Жамиятда янги маънавий макон яратиш, хотин-қизларнинг фаолигини қўллаб-қувватлаш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришда жамоатчиликка, энг аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий таърибага эга бўлган, фаол ва ташаббускор аёлларнинг сай-ҳаракатлари бирлашмоқда.

Меҳнат фаолиятимда оддий ўқитувчиликдан мактаб раҳбари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтдим. 2016-2020 йилларда Чилонзор тумани "Гавҳар" маҳалласида хотин-қизлар ва миллий қадриятлар бўйича мутахассис сифатида ишладим. Маҳалладаги оилалар, ёшлар ва

хотин-қизлар билан мунтазам суҳбатлар уюштирдик, уларнинг муаммоларини ўргандик. Бу ҳозирги фаолиятимда ҳам қўл келяпти.

Менга "Дўстлик" ордени берилишини бутун жамоамиз мукофоти, деб биламан. Ҳиссиётларимни, юрагимдан ўтганларни тасвирлаб беролмайман. Бу мукофот мен учун нафақат катта шараф, балки масъулият ҳамдир. Ҳар бир меҳнат ўзининг муносиб баҳосини олиши қандай гўзал.

Тўғриси, бугунги ютуқларим ҳамда шундай юксак мукофотга сазовор бўлишимнинг асосий сабаби мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда улардан фойдаланиш натижаси, деб биламан.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузи тобора юксалиб бораётгани, уларнинг билим олиши, меҳнат қилиши ва ўз салоҳиятини тўла намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани ҳар биримизни руҳлантиради. Аёлларимиз нафақат оила муқаддаслигини сақлаб келаётган меҳрибон оналар, балки илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият, иқтисодиёт ва жамиятнинг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган фаол шахслардир.

Бу ишончни оқлаш, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш, ёш авлодни тарбиялаш ва юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш йўлида янада фаол ва фидойи бўлиб меҳнат қилишга бел боғлайман.

Бундан буён ҳам "Оқила аёллар" ҳаракатининг фаол аъзоси сифатида юртимиз маънавий юксалиши, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва ёш авлод камолотига ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Партиямиз ва таҳририятимиз номидан биз ҳам бу мўътабар аёлларимизни кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнатларининг эътирофи билан самимий табриклаймиз ва уларга мустаҳкам сиҳат-самоматлик, ишларида янгидан-янги ютуқлар тилаймиз. Қадрингиз ва қаддингиз ҳамisha улуг бўлсин!

Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" мухбири.

АЁЛЛАРИ САОДАТЛИ ЮРТ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг табригини тинглаб, юртимизда хотин-қизларга бўлган юксак эътибор ва ҳурматни яна бир бор ҳис қилдик. Партиямиз фаоллари, депутатларимиз бу ҳақида ўз муносабатини билдирмоқда.

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Президентимиз табригини тинглаб эканман, бошим осмонга етди. Чунки бу табрик ортида аёлларга бўлган юксак эътиром, меҳр ва ишонч мужассам.

Аёл қадрланган юртда барака бўлади, файз бўлади, келажак мустақкам бўлади. Бугун юртимизда хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар, берилган имтиёзлар ва кўрсатилаётган ғамхўрлик — бизнинг келажакка бўлган ишончимизни янада кучайтиради.

Юртбошимиз олийгоҳларда таҳсил олаётган қизлар сони 904 минг нафардан ошгани ва улар жами талабаларнинг 54 фоизини ташкил этаётганини фахр билан таъкидлади. Бу нафақат имкониятлар кенгайганини, балки қизларимизнинг илмга бўлган интилиши тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Айниқса, стажёр-тадқиқотчилар ва докторантурада таҳсил олаётганларнинг 61 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани жуда қувонарли ҳолдир. Чунки бу рақамлар келажакда юртимизда янада кўпроқ олимпиа, аёл тадқиқотчи ва илмий етакчилар етишиб чиқишидан далолат беради.

Билимли ва маърифатли қизлар — бу жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини белгиладиган катта кучдир. Шунинг учун ҳам қизлар таълимига қаратилаётган бундай эътибор мамлакатимиз тараққиёти ва келажак авлод қамоли учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда аёлларга эътибор, бу борадаги катта ислохотлар халқаро майдонда ҳам тан олинаётгани диққатга сазовор. Ўзбекистон Парламентлараро иттифоқнинг “Парламентдаги аёллар” рейтингда 92 поғона юқорилаб, 36-ўринни эгаллади. “Гендер тенглик ва бошқарув” индексида мамлакатимиз 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди. Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индексида эса 43 поғонага яхшиланиб, 48-ўринни эгаллади. Бу юртимизда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ислохотлар самарасини яққол кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда



“

АЁЛ ҚАДРЛАНГАН ЮРТДА БАРАКА БЎЛАДИ, ФАЙЗ БЎЛАДИ, КЕЛАЖАК МУСТАҚКАМ БЎЛАДИ. БУГУН ЮРТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИАТЛАР, БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАР ВА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҒАМХЎРЛИК — БИЗНИНГ КЕЛАЖАККА БЎЛГАН ИШОНЧИМИЗНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАДИ.

юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аёлларнинг таълим олиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, илм-фан ва турли соҳаларда ўз салоҳиятини намоён қилиши учун кенг шароитлар яратилмоқда. Бу эса аёлларнинг нафақат оилада, балки жамият тараққиётида ҳам муҳим ўрин

тутишини яна бир бор исботлайди.

Таъкидланганидек, яратилган кенг имконият ва шароитлар ҳисобига 230 мингга яқин тадбиркор аёллар синфи шаклланди, миришкор фермер аёлларимиз 12 минг нафарга етди, илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшаётган олималаримиз 6 минг нафардан ошди.

Ўтган йили дунё ареналарида шижоатли қизларимиз 167 та олтин, 193 та кумуш, 243 та бронза медалини қўлга киритгани таҳсинга сазовордир.

Аёл — бу ҳаётга меҳр олиб кирувчи, оилани мустақкамловчи, фарзанд тарбияси орқали миллат келажagini барпо этувчи улуғ зотдир. Шунинг учун ҳам аёлга бўлган ҳурмат ва эътибор ҳар қандай жамиятнинг маънавий даражасини белгилаб беради.

Айниқса, бугунги ёш қизларимиз келажакнинг умиди ҳисобланади. Уларга берилаётган имкониятлар — эртанги тараққиётимиз учун мустақкам пойдевордир.

Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА, халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашидаги ЎзХДП депутати:

– Президентимиз табригини тинглаб, қалбимда катта фахр ва руҳий кўтаринкиликни ҳис қилдим. Бу табрик оддий сўзлар эмас, балки хотин-қизларга бўлган юксак эътибор, ишонч ва ҳурмат ифодаси эканини яна бир бор англадим.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш мақсадида кўп имтиёзлар берилмоқда. Хусусан, улар таълим олиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш, тўловсиз

магистратурада ўқиш, имтиёзли уй-жойлар олиш ва бошқа кенг имкониятларга эга.

Президентимиз янги ўқув йилидан бошлаб эҳтиёжманд оилалардаги аёлларимиз учун давлат гранти квотасини 2 карра ошириб, 4 мингтага етказилишини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ТОП-300 таликдаги олийгоҳлар билан қўшма таълим асосида магистратура босқичида таҳсил олаётган талаба қизларнинг контракт пуллари ҳам давлат томонидан тўлаб берилади.

Энди ҳар йили хотин-қизларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш учун камида 10 та йўналиш бўйича стартап танловлари ўтказилади. Бунда ҳар бир йўналиш ғолибига Инновация жамғармасидан 500 миллион сўмгача грант берилади. Мактабларнинг 11-синфини битириб, давлат техникумларига кирган қизларни касбга ўқитиш тўлиқ давлат гранти асосида бўлади.

Бугун қўллаб-қувватланаётган ҳар бир қиз эртанги кунда юрт равнақига хизмат қиладиган етук мутахассис, меҳрибон она ва жамиятнинг фаол аъзосига айланади. Шу боис, хотин-қизларга берилган имкониятлар — бу келажакка қилинган энг катта сармоядир.

Бундан ташқари, “Ҳамроҳ” дастури доирасида хотин-қизларнинг 3 мингта лойиҳасига жами 1 триллион сўм ажратилади. Умуман, жорий йилда 1,5 миллион нафар аёлни даромадли қилиш, шундан 400 минг нафарини бизнесга жалб этиш бўйича катта марра олинган. Ушбу мақсадлар учун 25 триллион сўмдан зиёд ресурс йўналтирилади.

Бундай кенг қўламли қўллаб-қувватлаш орқали аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда оилалар фаровонлигини таъминлашга катта замин яратилмоқда. Аёлларнинг даромадли бўлиши, ўз бизнесини йўлга қўйиши ва жамиятда фаол иштирок этиши — бу келажак авлод фаровонлигига қаратилган муҳим қадамдир.

Бундай имкониятлар ҳар бир опа-синглимизни янги марралар сари интилишга, ўз орзу ва ғояларини амалга оширишга, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга руҳлантиради.

ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ



Имомназар ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Фармацевтика соҳаси инсон саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қиладиган энг муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар бир дори воситаси инсон ҳаёти ва соғлиги билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун дори ишлаб чиқариш, сақлаш ва аҳолига етказиш жараёнига катта масъулият билан қараш талаб этилади.

Бугунги кунда фармацевтика соҳаси жадал ривожланиб бормоқда. Янги дори воситалари яратиш, уларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўллаб-илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса тиббиёт соҳасининг ривожланишига ва инсонлар умрини узайтиришга хизмат қилади.

Маълумки, дунёдаги қўллаб-даватлар фармацевтика соҳасини иқтисодий хавфсизликнинг муҳим қисми сифатида баҳолайди. Чунки

пандемия, глобал иқтисодий инқироз ёки халқаро бозорлардаги узилишлар даврида дори воситаларига бўлган талаб кескин ортиши мумкин. Бундай шароитда ўз фармацевтика саноатига эга бўлган давлатлар аҳолини зарур дори-дармонлар билан барқарор таъминлаш имкониятига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда фармацевтика соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати стратегик аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари раислигида фармацевтика тармоғини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда илғор технологиялар трансферини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш аҳоли саломатлигига бевосита дахлдор тизим фаолиятини кучайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди, дейиш мумкин.

Президентимиз томонидан фармацевтика соҳаси инсон саломатлиги, аҳоли ҳаёт сифати ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ стратегик тармоқ сифатида эътироф этилгани ушбу йўналишга берилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Йиғилишда фармацевтика соҳасидаги камчиликлар ва муаммолар кўриб чиқилди. Дори воситалари ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришни чуқурлаштирмоқчи бўлган тадбиркорларга янги имтиёзлар берилиши эълон қилинди.

Мутасаддилар олдида бу йил соҳага камида 1 миллиард доллар инвестиция олиб келиш, сифатни ошириш ва хорижий

етук фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали ички истеъмолдаги маҳаллий дорилар улушини 2030 йилгача 70 фоизга етказиш, келгуси беш йилда экспортни 1 миллиард долларга олиб чиқиш вазифалари тургани қайд этилди.

Сўнгги йилларда тармоққа катта ҳажмда инвестициялар жалб этилиши, янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши ва маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши мамлакатимизда фармацевтика саноати изчил ривожланаётганини кўрсатади. Айниқса, маҳаллий дорилар улушини 2030 йилгача 70 фоизга етказиш, экспорт ҳажмини 1 миллиард долларга олиб чиқиш ва халқаро стандартларга мос ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича белгиланган вазифалар соҳанинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

Фармацевтика корхоналари учун яратилаётган солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар, технология трансферини қўллаб-қувватлаш, хорижий компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш каби чоралар тадбиркорлар фаоллигини янада ошириши шубҳасиз.

Шунингдек, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, Миллий биофармацевтика илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш, дуал таълим тизимини жорий этиш каби ташаббуслар келажакда рақобатбардош ва инновацион фармацевтика тармоғини шакллантиришга хизмат қилади.

Албатта, айрим ҳудудларда

фармацевтика зоналари имкониятларидан етарли фойдаланилмаётгани танқид қилингани ҳам жуда ўринли. Ўзбекистонда 58 та фармацевтика корхонаси 2,5 минг турдаги дори воситаларини ишлаб чиқармоқда. Республика бўйича жами 136 гектар майдонда 5 та фармацевтика зонаси ташкил этилган. Лекин айрим вилоят ҳокимлари, уларнинг инвестиция бўйича ўринбосарлари фармацевтика лойиҳаларини ўз ҳолига ташлаб қўйгани танқид қилинди.

Бу борада маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди идоралар ва тадбиркорлар ўзаро ҳамкорликни кучайтириши муҳим, албатта. Чунки имтиёз ва имкониятлар катта, фақат улардан самарали фойдаланиш зарур.

Йиғилишда фармацевтика корхоналари вакилларининг таклиф ва ташаббуслари, мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди. Бу эса соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, самарали ечимларни муҳокама қилиш ва ҳамкорликни кучайтириш учун муҳим имконият яратади.

Тадким қилинган лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганиб, уларни амалга ошириш чораларини кўриш топширилди. Шу билан бирга, мутасаддиларга паст қувватда ишлаётган ёки мулки банк балансига олинган корхоналарни соғломлаштириш дастурини бошлаш вазифаси қўйилди. Бу эса соҳадаги ишлаб чиқариш қувватларини оптималлаштириш, самарадорликни ошириш ва иқтисодий жиҳатдан барқарор корхоналарни ривожлантиришга

“

СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ТАРМОҚҚА КАТТА ҲАЖМДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИЛИШИ, ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛИШИ ВА МАҲАЛЛИЙ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИНГ КЕСКИН ОШИШИ МАМЛАКАТИМИЗДА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАНИНИ КЎРСАТАДИ.

хизмат қилади.

Бундай чоралар нафақат иқтисодий самарадорликни таъминлайди, балки дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнида барқарорлик ва сифатни сақлашга ҳам ёрдам беради. Шунингдек, ушбу йўналишдаги корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, иш ўринлари сақланиши ва янги имкониятлар яратиш, фармацевтика соҳасига янги технологияларни олиб келишга хизмат қилади.

Умуман олганда, ҳар бир вазифа ва топшириқ соҳадаги самарадорликни ошириш, фармацевтика соҳасини янада ривожлантириш бўйича стратегик қадамлар сифатида муҳим аҳамиятга эга.

МАҚСАД – СОҒЛОМ ВА ХАВФСИЗ МУҲИТ ЯРАТИШ

Халқ демократик партияси боғчаларда болалар хавфсизлиги бўйича республика миқёсида ўрганишларни бошлади

Болалар — жамиятнинг энг бебаҳо бойлигидир. Шунинг учун боланинг хавфсизлигига бўлган эътибор ҳар бир таълим муассасасининг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, мактабгача таълим муассасаларида болалар куннинг катта қисмини ўтказиши сабабли, улар учун хавфсиз, соғлом ва ҳимояланган муҳит яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Боғчада хавфсизлик фақатгина болани ҳимоя қилиш эмас, балки унинг соғлом ва ишончли муҳитда ривожланиши учун замин яратиш демакдир. Чунки бола ўзини хавфсиз ҳис қилган муҳитдагина эркин ўйнайди, ўрганади ва ривожланади. Шунинг учун мактабгача таълим муассасаларида хавфсизликни таъминлаш келажак авлоднинг соғлом ва бахтли бўлиб улғайишига хизмат қилади.

Аммо сўнгги пайтларда боғчалардаги озик-овқат, санитария-гигиена ҳамда умумий хавфсизлик талабларига риоя қилиниши масаласи жамоатчилик орасида тез-тез муҳокама мавзусига айланмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тез-тез учраётган болаларнинг овқатдан заҳарланиши, электр токи уриши ёки ёнғин хавфи билан боғлиқ нохуш ҳолатлар масалага жиддий ва тизимли ёндашишни тақозо этмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Халқ демократик

партияси мактабгача таълим ташкилотларида болалар хавфсизлигини депутатлик ва жамоатчилик назорати тартибида республика миқёсида ўрганишга киришмоқда.

Партия баёнотида маълум қилинишича, мазкур мақсадда партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари томонидан мактабгача таълим ташкилотида хавфсизлик талабларига риоя этилиши ҳолатини ўрганишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Дастур доирасида Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ва, албатта, ваколатли ташкилотлар вакиллари иштирокида ишчи гуруҳлар тузилиши режалаштирилган. Болалар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи омиллар махсус саволнома асосида манзилли ўрганилиши белгиланган.

Манзилли таҳлиллар натижалари ва хулосалари ҳудудларда Халқ демократик

партиясининг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари йиғилишларида соҳа мутасаддилари иштирокида очик муҳокама қилинади. Вазият жиддий бўлган ҳудудларда партия депутатлик гуруҳлари қарорларига мувофиқ равишда масалани маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига олиб чиқиш назарда тутилган.

Халқ демократик партияси мактабгача таълим ташкилотларида болалар хавфсизлигини таъминлаш ўз электротатини ўйлантираётган долзарб ижтимоий масалага айланганини таъкидлайди.

Ҳудудлардаги тизимли ўрганиш, очик муҳокамалар якунлари бўйича масъулият ва назоратни кучайтириш мақсадида тегишли давлат органлари вакиллари иштирокида Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракциясида муҳокамалар ўтказилади, таъсирли комплекс чора-тадбирлар ва заруратга қараб қонунчиликни такомиллаштиришга оид тақлифлар ишлаб чиқилади.

– Охириги пайтларда боғчалардаги озик-овқат, санитария-гигиена ҳамда умумий хавфсизлик талабларига риоя қилиниши масаласи жамоатчилик орасида доимий муҳокама



**ПАРТИЯ БАЁНОТИДА
МАЪЛУМ ҚИЛИНИШИЧА,
МАЗКУР МАҚСАДДА
ПАРТИЯНИНГ МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРДАГИ
ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТИДА
ХАВФСИЗЛИК
ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ
ЭТИЛИШИ ҲОЛАТИНИ
ЎРГАНИШГА ҚАРАТИЛГАН
ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ДАСТУРИ ИШЛАБ
ЧИҚИЛДИ.**

мавзусига айланмоқда. Чунки ҳар бир ота-она фарзандини боғчага юборганда, энг аввало, унинг соғлиғи ва хавфсизлиги ҳақида ўйлайди, – дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи Малика Рашидова. – Шу нуқтаи назардан қараганда, мактабгача таълим муассасаларида хавфсизликни таъминлаш — бу фақат қоидаларга амал қилиш эмас, балки болаларга нисбатан юксак масъулият ва

ғамхўрликни талаб этадиган муҳим ижтимоий вазифадир.

Боғчада болалар ҳар куни бирга овқатланади, ўйнайди ва кўп вақтни шу ерда ўтказишади. Шунинг учун овқатнинг сифатли тайёрланиши, маҳсулотларнинг тоза ва янги бўлиши жуда муҳим. Агар озик-овқат талаб даражасида тайёрланмаса, бу болалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Санитария ва гигиена қоидаларига амал қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Хоналарнинг тозаллиги, ўйинчоқларнинг мунтазам ювилиши, болаларнинг қўл ювиши каби оддий кўринган ишлар аслида уларни турли касалликлардан асрашга ёрдам беради.

Шу билан бирга, боғчада умумий хавфсизликка ҳам катта аҳамиятга эга. Хоналарнинг тозаллиги, ўйинчоқларнинг мунтазам ювилиши, болаларнинг қўл ювиши каби оддий кўринган ишлар аслида уларни турли касалликлардан асрашга ёрдам беради.

Шунинг учун боғчадаги ҳар бир ходим болалар хавфсизлигига катта масъулият билан қарashi зарур. Чунки болаларнинг соғлом ва хавфсиз муҳитда ўсиши келажак учун жуда муҳимдир.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Муаммо ҳал этилди, аҳоли эса мамнун

(Олдинги ҳолат)



(Ҳозирги ҳолат)

Ҳудудлардаги ижтимоий инфратузилмани замон талаблари даражасида яхшилаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш давр талаби. Бу борада Ўзбекистон ХДП Жарқўрғон туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳи томонидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Долзарб масалалар ечим топиб, электротатимиз вакиллариининг эртанги кунга бўлган ишончи ошаётгани қувонарли.

– Ҳудудда 250 минг нафардан ортиқ аҳолининг ўттиз фоиздан ортигини ёшлар ташкил қилади, – дейди Ўзбекистон ХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Чори Юсупов. – Таълим-тарбия бешикдан бошланади деганларидек, давомчиларимизнинг порлоқ келажаги доимий эътиборимизда. Сиёсий куч вакиллари махсус “йўл харитаси” асосида иш олиб бораётгани ўзининг ижобий натижаларини бераётир. Масалан, “Жануб қалқони” маҳалласи туман марказидан 12-15 километр олисда жойлашган. Манзилда 2 минг нафарга яқин аҳоли ва 700 дан ортиқ хўжалик бор. 120 нафар болажонлар 32-сонли давлат таълим ташкилотида тарбияланмоқда. Икки қаватли иншоотнинг 200 квадрат метр шифт қисми қўпорилиб тушган экан. Масалани жойида ўрганидик ҳамда туман ҳокимлигига депутатлик сўрови жўнатдим. Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили фарзандларимиз учун қувончларга бой бошланди. Муаммо ечим топганидан болажонлар ҳам, тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам мамнун.

Ҳозирги кунда ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, электр энергияси барқарорлигини таъминлаш, чекка ҳудудларда бетон таянчлар ўрнатиш, янги

иш жойлари ташкил қилиш борасида муаммолар бор. Ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар барпо этиш, замонавий завод-фабрикалар фаолиятини йўлга қўйиш долзарблигича қолаяпти. Ана шундай устувор вазифаларни амалга оширишда халқ вакиллари ташаббускор ва ўрнатқ бўлишлари лозим.

– Биласизми, гоҳида депутат ва фаолларда ташаббускорлик ҳамда фидойилик етишмайди, деган гап-сўзларни эшитиб қоламиз, – давом этади суҳбатдошимиз Чори Юсупов. – Бу қайсидир маънода тўғридир. Аммо аксарият ҳолларда масъулларнинг бепарволиги ҳам сабаб бўлаяпти бунга. Чунки, айрим раҳбарлар депутат ташаббусига лоқайдлик қилса, баъзилари ҳамон эскича қарашдан қутулолмаётгани таассуфли. Давлатимиз раҳбари ўтган йил 26 декабрда халқимиз ва парламентга йўллаган Мурожаатномасида бунга алоҳида тўхталиб ўтганди. Хусусан, депутат сўровлари ихроси ҳар чоракда таҳлил қилиниб, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратурага тақдимнома киритилиши таъкидланганди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш галдаги вазифа ва устувор мақсад экан, ҳеч қачон бурч ҳамда масъулиятни унутмайлик.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

СУРХОНДАРЁ:

"БИР МАҲАЛЛА – БИР ТАШАББУС" АКЦИЯСИ ДОИРАСИДА



ЎзХДПнинг «Бир маҳалла – бир ташаббус» акцияси доирасида партиянинг Бойсун туман кенгаши масъуллари ва депутатларидан иборат ишчи гуруҳ “Косиблар” маҳалласида ўрганиш олиб борди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: САЙЁР ҚАБУЛ



Ўзбекистон ХДП Оққўрғон туман кенгаши раиси М.Юлдашева, туман Кенгаши депутати А.Иномов

АНДИЖОН: СИЁСАТДАГИ ЁШЛАР



Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши томонидан ҳарбий қисм хизматчилари ўртасида “Сиёсатдаги ёшлар” турнири ташкил этилди.

Аҳоли вакиллари Мирзо Улуғбек номидаги кўчадан “Шарафли” кўчасигача бўлган масофадаги ёғоч электр устунлари эскиргани сабабли кейинги пайтларда ҳудудда тез-тез электр энергиясида ўзилишлар юзага келаётганини маълум қилган.

Қолаверса, худди шу ҳудуддаги сув қувурлари 1979 йилда ўрнатилган. Қувурлардан деярли 50 йилдан бери фойдаланилаётгани учун ҳам улар маънан эскирган. Шу сабабли ҳозирги кунда вақти-вақти билан қувурларнинг ёрилиши кузатилмоқда, бундан ташқари, маҳалланинг “Янги Ўзбекистон” массивида қурилган кўп қаватли уйларнинг атрофидаги ички йўллар асфальтланмагани қатор қийинчиликларни туғдирмоқда.

Ишчи гуруҳ туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур мурожаатларни бартараф этиш чораларини кўришини маълум қилди.

томонидан Уста Нормат маҳалласида сайёр қабул ва ўрганишлар ўтказилди.

Сайёр қабул давомида фуқаролар томонидан коммунал соҳа, моддий ёрдам ва тадбиркорлик ишини йўлга қўйиш учун кредит олиш масалалари бўйича мурожаатлар бўлди. Мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Хусусан, Деҳқонobod кўчасида истиқомат қилувчи Ф.Умаровнинг хонадонида электр тармоғи носозлиги юзасидан билдирган мурожаати юзасидан мутасадди ташкилот ходимлари жалб этилган ҳолда жойида носозлик бартараф қилинди.

Шунингдек, Я. Хўжаев кўчасидаги 59-,62-кўп қаватли уйларда яшовчилар томонидан ҳудудда спорт майдони йўқлиги бўйича мурожаатларига асосан мутасадди ташкилот раҳбарига депутатлик сўрови юборилди.

Турнир Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги вилоят кутубхонасида ўтказилиб, унда Ички ишлар, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар ва Мудофаа вазирлиги қосидаги ҳарбий қисмлардан жамоалар иштирок этди.

Турнирда сиёсий ва ҳуқуқий соҳалар билан биргаликда шоҳ ва шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва ижоди тўғрисида тайёрланган саволлар бўйича беллашдилар.

Қизиқарли ўтган турнирда Мудофаа вазирлигига қарашли “Бобур издошлари” жамоаси биринчи ўринни, Ички ишлар вазирлигига қарашли “Қалқон” жамоаси иккинчи ўринни ва Миллий гвардияга қарашли “Гвардиячилар” жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Тадбир якунида жамоаларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

БОЛАНИНГ РУҲИЙ ҚЎРҒОНИНИ БУЗМАНГ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу йилнинг 3 март куни Президентимизнинг «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Унда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, уларни ҳар қандай тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда бундай ҳолатларга нисбатан мурасасизлик муҳитини шакллантириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирилган ҳолда самарали йўлга қўйиш чоралари белгиланган.

Хусусан, 14 ёшга тўлмаган болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо қўлланилиши мумкинлиги белгиланди.

Тегишли қонун 3 ой ичида ишлаб чиқилиши керак. Педофил-рецидивистлар учун кучайтирилган санкциялар қонун қабул қилиниб, кучга кирганидан кейин амал қила бошлайди.

Бу кўпчилик кутган янгилик эди. Чунки жамиятимизда болалар ва аёллар хавфсизлигини таъминлаш, уларни ҳар қандай тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда бу борадаги муаммоларга нисбатан жамоатчиликнинг муносабати ҳам кескин ўзгарди, одамлар бундай жиноятларга нисбатан янада қатъий ва адолатли чоралар кўрилишини талаб қила бошлади.

Чунки ижтимоий тармоқларда болаларга нисбатан жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонлик ҳолатлари ҳақида тез-тез хабарлар тарқалиши жамоатчиликни жиддий ташвишга солаётган эди.

Чет элда юрган турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб, унга жаҳл қилиб, боласини қийнаётганлар ҳам бор. Фарзандини бешикка боғлаган ҳолда таёқ ва бошқа жисмлар билан калтаклаган аёлга айблов эълон қилингани ҳақида ҳам эшитдик. Қайсидир боғчада тарбиячи болаларни калтаклагани акс этган тасвирлар тарқалиб туради. Жамиятда мурғаккина қизчаларнинг жинсий зўравонликка учраши билан боғлиқ ҳолатлар одамларда хавотир уйғотди.

Дарҳақиқат, бу масала жуда оғир ва ўта жиддий. Бу фақат уриш-туртиш эмас, руҳий таҳқирлаш ёки жинсий зўравонлик ҳам бўлиши мумкин. Қандай бўлишидан қатъи назар мутлақо қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат. Боиси, бола муаммолар қаршисида

ҳали ожиз, ўзини ҳимоя қила олмайдиган, катталарга ишониб яшайдиган шахс. Шунинг учун жамиятда бола хавфсизлиги энг устувор қадрият бўлиши керак.

Аммо охирги пайтларда болаларга нисбатан содир этилаётган зўравонликлар сони ошиб бормоқда. Рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, дунё бўйича ҳар йили 1 миллиарддан ортиқ бола турли хил зўравонликка дучор бўляпти ва бу рақам йилдан-йилга ошиб борапти. Афсуски, бунинг

“

ХУСУСАН, 14 ЁШГА ТЎЛМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ОҒИР ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШГАЧА БЎЛГАН ЖАЗО ҚЎЛЛАНИЛИШИ МУМКИНЛИГИ БЕЛГИЛАНДИ. ТЕГИШЛИ ҚОНУН 3 ОЙ ИЧИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ КЕРАК. ПЕДОФИЛ-РЕЦИДИВИСТЛАР УЧУН КУЧАЙТИРИЛГАН САНКЦИЯЛАР ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, КУЧГА КИРГАНИДАН КЕЙИН АМАЛ ҚИЛА БОШЛАЙДИ.

ортида қанчадан-қанча мурғак қалбларнинг руҳий зўриқиши ётади.

Ҳаётни фақат рангли тасвирларда кўрадиган, ноҳақликларга жавоб қайтаролмайдиган, ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмайдиган жамиятнинг кичкина ва нозик аъзоси учун бу жуда катта психологик жароҳатни келтириб чиқаради. Шунинг учун бундай ҳолатлар болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига жиддий зарар етказиб, уларнинг келажак ҳаётига салбий таъсир кўрсатади.

ҲОЛАТ АСЛИДА ҚАНДАЙ?

2025 йилда Болалар омбудсмани номига жами 1934 та мурожаат келиб тушган. Ҳисобот йилида 35 та шахсий қабул ўтказилиб, 141 нафар фуқаро билан мулоқот қилинган ва 98 та мурожаат кўриб чиқилган.

“

АГАР У ОТА-ОНАСИНИНГ БИР-БИРИГА ҚЎПОЛ МУНОСАБАТИНИ, ЗЎРАВОНЛИКНИ КЎРСА, БУ БОЛАДА ЎРНАК СИФАТИДА САҚЛАНАДИ.

Мурожаатлар таҳлили ва мониторинг натижалари асосида давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига оид жами 36 та таъсир ҳужжати киритилган.

Шунингдек, болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳолатлари юзасидан 19 та жиноят иши ҳамда 26 та маъмурий иш қўзғатилган. Бундан ташқари, зўравонлик ҳолатлари бўйича 20 та жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, қўшимча текширувга юборилган.

Интернет тармоғида ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, мутасадди давлат органлари билан ҳамкорликда ўрганишлар олиб борилган ҳамда болаларга нисбатан зўравонлик юзасидан 23 та жиноят ва 28 та маъмурий иш қўзғатилиши таъминланган.

Шунингдек, ҳисобот даврида боланинг моддий таъминоти бўйича 403 миллион 745 минг сўм алимент қарздорлиги ундиришга кўмаклашилган. 52 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага ID-карталар расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилган.

Бундан ташқари, 20 нафар имконияти чекланган бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, реабилитация ва психологик-педагогик хизматлар ташкил этилган. Хорижда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 45 нафар бола Ўзбекистонга қайтарилган.

САБАБИ ШУНДАКИ...

– Энг оғир жиҳати — зўравонлик кўп ҳолларда болага энг яқин одамлар томонидан содир этилади. Бу эса нафақат жисмоний, балки узок муддатли руҳий жароҳатларга олиб келади, – дейди Ўзбекистон Миллий университети социология кафедраси мудири, доцент Элёр Зоитов. – Келинг, аввало, бунинг сабабларини кўриб чиқамиз. Оилаларда болаларга бўлаётган зўравонликнинг асосий сабабларидан бири кўп жиҳатдан ота-онанинг руҳий ҳолати билан боғлиқ. Айниқса, аёлларда туғуруқдан кейин турли жараёнлар, гормонал ўзгаришлар бўлгани сабаб уларда депрессияга тушиш ҳолатлари кузатилади. Бундай ўзгаришлардан болалар кўп ҳолатларда жабр кўради.

Шунингдек, айрим оилалардаги муҳит ҳам жамиятда зўравонлик кучайиши учун шароит яратиб беради. Уйда аёлларга оналикдан ташқари, келинлик вазифаси ҳам бор. Бунда уларга жудаям кўп жисмоний мазсулият юкланаверади. Тизимли равишда чарчоқ, бир хил ҳаёт тарзи аёлда аламзадалик кайфиятини келтириб чиқаради ва у яқинларидан аламини олишни бошлайди.

Бундан ташқари, оилалардаги иқтисодий қийинчиликлар ҳам зўравонлик келиб чиқиши учун сабаб бўлади. Ҳақиқий ҳаётда бундай воқеалар оддий сабаблардан — иқтисодий стресс, ишсизлик, қарзлар, турмуш шароитларининг ёмонлашиши, оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар ва салбий психологик муҳит оқибатида кўп учрайди. Бу сабаблар вақт ўтиши билан руҳий стресс ва маиший зўравонликка айланади — шу ҳолатда фарзанд ҳам жазоланади ёки зўравонлик қурбони бўлади.

Биз болалар зўравонлигига оид ҳолатларни таҳлил қилганимизда, оилада қайнона, қайнсингиллар билан мурасага кела олмаган, ота уйига кетиб қолган, турмуш ўртоғи хорижга ишлаш учун кетган, аёл молиявий жиҳатдан қийналган муҳитларда бундай вазиятлар кўпроқ учрашига гувоҳ бўлдик.

Шунингдек, болалигида ўзи ҳам зўравонликка учраган, шу жараёни кўзлари билан кўриб,

шундай муҳитда яшаган ва катта бўлган ота-оналар кўпинча буни ўз фарзандига қўллайди. Чунки, бундай ҳодиса улар учун одатий ҳолга айланиб қолган. Демак, зўравонлик, хусусан, болаларга нисбатан зўравонликнинг ҳам моддий, ҳам маънавий илдиэлари бор.

ПСИХОЛОГ НИМА ДЕЙДИ?

– Зўравонлик ва гендерга оид камситиш нафақат жисмоний таъсир қилади, балки болаларнинг руҳиятига ҳам чуқур зарар келтиради. Оиладаги доимий жанжаллар, тортишувлар ва салбий психологик муҳит нафақат аёлга, балки уларга гувоҳ бўлган болаларга ҳам таъсир қилади, – дейди Ўзбекистон психологлари ассоциацияси аъзоси Дилдора Раҳимова. – Бола ҳар доим кўз олдидаги муҳитни кузатади.

Агар у ота-онасининг бир-бирига қўпол муносабатини, зўравонлиқни кўрса, бу болада ўрнатилган сифатида сақланади. Масалан, ота фарзандининг онасига нисбатан куч ишлатса, ўғил болада “аёлни уриш мумкин” деган тушунча пайдо бўлади, қизларда эса оилада эркак аёлни калтаклаши мумкин, деган қараш шаклланади. Бу эса уларнинг ҳаётида ҳам ўз аксини топади: ўғил бола келажақда аёлларга

“

СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАСИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА. БУ ИСЛОҲОТЛАР НАФАҚАТ ҚОНУНЧИЛИК ВА ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ДАРАЖАСИДА, БАЛКИ ИЖТИМОИЙ ВА ПРОФИЛАКТИКА СОҲАЛАРИДА ҲАМ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

нисбатан шунга ўхшаш қўпол муомала қилиши мумкин, қиз эса зўравонликка мослашиб, синиқ руҳият билан яшайди.

Шунингдек, оиладаги қўпол ва ёқимсиз хатти-ҳаракатлар бола учун носоғлом муҳит яратади. Шу тарика оиладаги зўравонлик болаларнинг руҳий ривожланиши ва келажақдаги ҳаётига ҳам жуда салбий таъсир қилади. Гўдак руҳиятидаги чандиқлар, афсуски, осонликча битмайди.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва уларни ҳимоя қилиш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Бу ислохотлар нафақат қонунчилик ва давлат муассасалари даражасида, балки ижтимоий ва профилактика соҳаларида ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, 2024 йил 14 ноябрда соҳада тарихий

аҳамиятга эга ҳужжат — “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қонунга кўра, болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар ва уларни самарали амалга ошириш механизми белгиланди.

– Болаларга нисбатан зўравонлик жамиятдаги жиддий муаммолардан биридир. Ҳеч эътибор берганмисиз, авваллари зўравонлик илллати ҳақида ҳеч нима дейилмасди. Ҳаттоки, оиладаги зўравонлик бўйича жавобгарликка тортувчи алоҳида қонун ҳам йўқ эди. Ваҳоланки, жамиятда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилиш, зўравонлик ҳолатларига дадиллик билан қарши туриш зарурати бор эди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муқаддас Ўрозалиева. – Шу жиҳатдан олганда ушбу қонуннинг аҳамияти катта бўлди, дейиш мумкин.

Ўтган йилда мамлакатда болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш бўйича миллий стратегия тасдиқланди. Унда болаларга психологик ёрдам, жиноятчиларни кузатиш тизими, интернетдаги таҳдидларга қарши чоралар кўрсатилган.

Умуман олганда, қонунчилигимизга кўра, болаларга нисбатан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликлар кучайтирилди. Ҳозир болаларнинг ҳуқуқларини бузган шахслар учун жиноятчи регистрини яратиш ва жазоларни кучайтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Эътиборли яна бир жиҳати, ҳозир мамлакатимизда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил қилинди. Бу марказлар орқали болаларга нафақат ҳимоя, балки ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш, мактабга мослашиш ва дўстлар билан муносабатларини яхшилаш бўйича ҳам ёрдам берилади.

Шунингдек, болалар учун минтақавий ижтимоий кўмак марказлари фаолият юритмоқда, уларда ҳар бир бола учун индивидуал иш режаси тайёрланади. «Меҳрли оила» хизмати орқали ота-оналарга ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларга психотерапевтик ёрдам ва оилавий терапия хизматлари бепул тақдим этилади.

Бундан ташқари, болаларнинг ҳуқуқий ҳимояси ҳам мустаҳкамланмоқда. Жабрланган болаларга эрта юридик ёрдам кўрсатилади. Агар болаларга нисбатан зўравонлик содир этилса, бу ҳақда тезда давлат органлари хабардор бўлади ва шахслар учун жавобгарлик белгиланади.

Яна бир муҳим янгилик. Ўзбекистонда педофилия учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилмоқда.

Ҳужжат вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш, шунингдек, аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш чораларини кенгайтиришни назарда тутди. Бу ўзгаришлар 2026 йилга мўлжалланган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар стратегиясининг бир қисми бўлади.

Ҳар бир боланинг тақдири, ҳаёти бу миллатнинг эртаси демакдир. Биз ўзига ишонган, руҳияти баланд, қалби эзгуликларга тўла, ҳаётни ёрқин ва рангли тасвирларда кўрган болани улғайтирсак, келажагимиз кафолати шунча мустаҳкам бўлади. Шуни унутмайлик. Болаларни қийнашни, уларга шафқатсиз муносабатда бўлишни тўхтатайлик!

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Умрим мобайнида қанчадан-қанча одамлар билан кўришдим, танишдим, суҳбат қурдим. Баъзилари акамдек, укамдек, баъзилари қадрдон дўстим бўлиб қолди. Баъзилари устозга айланди, отадек.

ДИЛКАШ ИНСОН

Илик хотираларни бир-бир кўнглимдан кечирар эканман, умрининг асосий қисми Бош муҳаррир лавозимида меҳнат қилиш билан ўтган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, адиб, давлат арбоби, “Жаҳон адабиёти” журналы Бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевнинг фаолияти ҳақида ёзиш фикри туғилди.

Аҳмаджон Мелибоевни илк бор хозирги “Янги аср авлоди” нашриётида ишлаётган даврларида кўрганман. У баланд бўйли, кўзлари катта-катта, сочи қоп-қора, қора костюм-шими ўзига ғоят ярашган, одимлари шижоатли навқирон инсон эди.

Дарвоқе, ўша кезлар нашриётда “Ёшлик” алманахи нашр этилаётганди. Аҳмад Аъзам муҳаррирлигида унга менинг ҳам қўлёзмаларим тавсия этилган. Бироқ, бориб уч-тўртта ишларим устига оқ қоғоз ёпиштирилгани гувоҳи бўлдим. “Бу шеърларингиз Бош муҳаррирдан ўтмайди”, деди Аҳмад Аъзам. Мен журъат қилиб, сеvimли шоиримиз Эркин Воҳидов хонасига кирдим. Илик салом-алиқдан сўн “Икки-учта шеърларингизни олиб қолдик, қолганлари нашр этилади”, деди у киши нимтабассум ила. Раҳмат айтиб, хонадан чикдим. Ҳозирга келиб, “Афсус, ўшанда Аҳмаджон ака йўқ экан-да, бўлганида, балки, шеърларимнинг чиқмаётгани сабабини очиклармиди”, деган ўйга бораман.

Аҳмаджон Мелибоев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига Бош муҳаррир бўлган кезлар қабулига кирганимда иши кўп бўлса-да мени очик чехра билан кутиб оларди. Олдида чойнак бўлса, бир пиёла чой узатар, кизиқарли ва тағдор ҳангомалар айтиб, руҳиятимни кўтарарди. Камина бундайин



лутфдан кайфиятим қуёш нуридай чарогон қайтардим ҳар сафар. Ҳеч эсимдан чиқмайди, газетанда “Ой япроғи” номи билан ярим саҳифадан зиёд уч сатрли шеърларим босилганда, хўп ҳаяжонланганман. У пайтларда Япон шеъриятига хос шеърлар кўпам расм бўлмаганди. Бу Бош муҳаррирнинг эътибори ва ўз ўрнида, эътирофи ҳам эди, албатта.

У киши республикаимизнинг туман, вилоятларига тез-тез сафарга чиқиб, адабиёт мухлислари ва газетхонлар билан адабий-маърифий учрашувлар ўтказар, шоир ва адибларнинг янги асарлари хусусида баҳслар ташкил қилар, даврани тамоман ўзиники қилиб олгач, ҳаммани “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига обуна бўлишга чорларди. Бундай ўзига хос усул эса газета ададининг ниҳоятда ошишига олиб келарди.

“Юрган дарё, ўтирган бўйра” деганларидек, Бош муҳаррир юрт кезиб, эл оралаб бош мақола ёзишни афзал биларди. Шундан унинг мақолаларида ҳаёт нафаси

уфуриб турарди.

2018 йилда Аҳмаджон Мелибоев “Жаҳон адабиёти” журналы Бош муҳаррири этиб тайинланди. Ўшанда бир қанча таржимон, ижодкорларнинг бирови у деди, бирови бу. “Нашрни улўғ адабиётшунос Озод Шарафиддинов ташкил этиб, юқори поғонага олиб чиққан эди, нахот, уни энди адабиётшунос эмас, журналист бошқарса”, деган ҳадик, пичинглар ҳам қулоққа чалинди.

Жўжани кузда санаймиз, деганларидек, Аҳмаджон Мелибоев шиддату маҳорат билан ишга киришиб кетди. Янги ва долзарб рукнлар ташкил қилди. Журнал қамровини янада оширди. Ёш таржимонлар орасида асарни ёзилган тилидан таржима этишни оммалаштирди. Ўзи ҳам таржимага қўл уриш баробарида, “Муҳаррир минбари” рукнида муҳим масалаларни олиб қикди.

Суҳбатимиз бирида у киши китобга катта меҳр қўйгани, ҳали мактаб ёшидан мутолаага киришиб, Ч.Диккенс, Т.Манн, Мопассан, Боккаччо, Ж.Лондон, Э.Золя, Д.Достоевский, А.Чехов, Гоголь, Тургенов, Бунин асарларини ўқиб чиққанини айтган эди. Шу ва кейинги мутолаалар журнал ишларида беҳад асқотди.

Аҳмаджон Мелибоевни илк бор хозирги “Янги аср авлоди” нашриётида ишлаётган даврларида кўрганман. У баланд бўйли, кўзлари катта-катта, сочи қоп-қора, қора костюм-шими ўзига ғоят ярашган, одимлари шижоатли навқирон инсон эди.

У “Муҳаррир минбари” рукнидаги “Олтиндан қиммат хазина”, “Сўз билан дунё сари”, “Самимият ва холислик либоси” сингари мақолаларида жаҳон адабиёти ва миллий адабиётимиз борасида сўз юртади. Бугунги ижодкорлар дунё адабиётидан сув ичиб, тобора теран экспериментлар қилаётганини мисол, далиллар билан асослайди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, китобхонлик тарғиботи бўйича ҳам у ўз қуюнчақлиги ва хассослиги билан ажралиб туради. Масалан, “Сўз билан дунё сари” мақоласида жаҳон адабиёти вақиллари, хусусан, буюк ёзувчи Чингиз Айтматов асарларининг дунё ўқувчиларига манзур бўлаётганлиги сабаби ҳақида шундай ёзган: “... Чингиз Айтматов асарларида айна шу манзара ва ҳолатларга, турфа хил тақдирларга дуч келамиз, улар айна шу икки қарама-қарши жиҳатнинг ёнма-ёнлигига асослангани учун ҳам эътиборни тартади. Уларда қаҳр ва муҳаббат, висол ва ҳижрон, соғинч ва ўкинч туйғулари бири-бири билан мураккаб бир тарзда, тасдиқ ва инкор, эътироф ва эътироз шаклларида қўшилади ва фарқланади. Адибнинг услубида тасвирланаётган воқеаларнинг табиати ва шаштига қараб

майнлик ва жўшқинлик сезилиб туради, баъзан оддий, жўн нарсалар талқинидан ҳам катта фалсафа ва ҳикмат унади”.

Шунингдек, у миллий адабиётимиз вақиллари жаҳон адабиётини ўрганиб ноанъанавий ижод этаётганлигига кўп бор тўхталган. Адабиёт янгиланаётганидан огоҳ этган. Шунинг баробарида, дунё ҳазрат Алишер Навоийни, Заҳриддин Муҳаммад Бобурни, Машраб, Чўлпон, Абдулла Қодирийни ва уларнинг муносиб издошлари асарларини ўқиётганидан ғурурланиб бир қанча мақолалар ёзган. Мақолаларида миллий адабиётимизда дунё адабиёти асарларини таржима этиб, мактаб яратганлар сафи тобора кенг қулоч ёяётганини кўп ва хўп эътироф этган.

Аҳмаджон Мелибоевнинг мақолалари кенг қўламли, янги-янги кашфиётларга тўлалиги ва жаҳон адабиётининг беқимсизлиги ёрқин исботини топганлиги бир-ла ўқувчининг қалб, руҳиятини уйғотади.

Бош муҳаррирнинг “Она сайёра – ягона кема” номли мақоласи Чингиз Айтматов таваалудининг 90 йиллигига бағишланган. Мақолада у Чингиз Айтматов ижодида кенг тўхталиб, адибнинг дурдона асарлари мавзуини таҳлил этади. Масалан, “Чингиз Айтматовнинг публицистикасида ҳам худди бадиий асарлари каби урушлардан сабоқ чиқариш ғояси бўртиб кўринади”, дейди бир мақоласида.

Истаймизки, саксон баҳорни қарши олаётган дилкаш инсон, устоз журналистнинг умри узоқ, тани сиҳат бўлсин. Узоқ йиллар сеvimли “Жаҳон адабиёти” журнаliga етакчилик қилиб юрсин!

Турсун АЛИ.

НУҚТАИ НАЗАР

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА КИНО ТАЪЛИМИ:



Азиза ҚУРБОНОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Ахборот технологиялари кафедраси
мудир, педагогика фанлари
доктори, доцент.

Бугунги глобаллашув ва рақамли трансформация шароитида сунъий интеллект технологиялари барча соҳалар сингари кино санъати ва аудиовизуал индустриянинг ҳам стратегик ривожланиш омилига айланмоқда.

Ҳозирги кунда Netflix, Disney, Warner Brothers, Sony Pictures каби глобал кино компаниялари генератив СИ моделлари асосида сценарий структурасини семантик таҳлил қилиш, характерларнинг драматик ривожланиш йўналишини математик моделлаштириш, аудиториянинг қандай қабул қилишини башоратлаш, катта ҳажмдаги визуал эффектларни автоматлаштирилган равишда яратиш, алгоритмик монтаж ва рақамли пост-продакшн жараёнларини соддалаштириш каби инновацион ёндашувлардан кенг фойдаланмоқда. Бунда СИ тизимлари инсон ижодий фикрлашини тўлдирувчи, қарор қабул қилишни тезлаштирувчи, креатив жараёнларни диверсификация қилувчи интеллектуал восита сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш, шунингдек, «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш жараёни тобора жадал суръат касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда сунъий интеллект соҳасини ривожлантиришга

ЯНГИ КРЕАТИВ ЙЎНАЛИШЛАР САРИ

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сунъий интеллект мутахассисларини тайёрлашга ихтисослашган марказлар ташкил этилиб, IT-парклар фаолияти кенгайтирилмоқда.

Ушбу соҳанинг долзарблиги шундаки, у ижодкорларга янги ғояларни тез ва самарали амалга ошириш имконини беради. Сунъий интеллект ёрдамида мураккаб визуал саҳналарни яратиш, тарихий образларни тиклаш, катта ҳажмдаги медиамаълумотларни таҳлил қилиш ҳамда томошабин диди ва эҳтиёжларини чуқур ўрганиш имконияти пайдо бўлмоқда. Натижада кино саноатида ишлаб чиқариш жараёни тезлашиб, бюджет харажатлари оптималлаштирилади ва ижодий тажрибалар учун кенг имкониятлар яратилади.

Шу билан бирга, ушбу технологияларнинг айрим эҳтимолий хавф ва муаммолари ҳам мавжуд. Масалан, дипфейк ёки генератив контент нотўғри мақсадларда ишлатилса, ахборот ишончилигига путур етказиши мумкин. Бундан ташқари, сунъий интеллектдан ҳаддан ташқари фойдаланиш баъзан инсон ижодкорлигининг индивидуал услубини чеклаши ёки муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ баҳсли масалаларни келтириб чиқариши мумкин.

Келажақда сунъий интеллект ва инсон ижодкорлиги ўзаро уйғунлашган ҳолда ривожланиши кутилмоқда. Бу жараён кино санъати, медиа таълими ва креатив индустрия учун янги истиқболларни очиб, янада инновацион, интерактив ва томошабинга яқин медиаконтент яратилишига хизмат қилади. Шу боис бугунги кунда ёш мутахассисларни рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланишга ўргатиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Олий таълим тизимида эса рақамли технологиялар ва сунъий интеллект

каби замонавий фанлар жорий этилиб, ёшларнинг замон талабларига мос билим ва кўникмаларни эгаллашига кенг имкониятлар яратилмоқда.

Халқаро тажриба шуни исботлайдики, сунъий интеллект кинематографияни фақат техник жиҳатдан эмас, балки эстетик, педагогик, иқтисодий ва социокултурал жиҳатдан ҳам янги парадигма билан таъминловчи стратегик омилдир.

Бу тажрибалар Ўзбекистон кино ва театр санъати мактаби олдида ҳам янги авлод сунъий интеллект – саводли мутахассисларни тайёрлаш, рақамли контент бозорига мос миллий платформаларни ривожлантириш, ижодий жараёнларда интеллектуал технологиялардан масъулиятли ва этик фойдаланиш каби янги вазифаларни қўяди.

Амалга оширилаётган ушбу ислохотлар кўплаб соҳалар қатори Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳам креатив индустрия, хусусан, кино санъати таълимининг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда институт профессор-ўқитувчилари томонидан нафақат педагогик фаолиятда СИдан фойдаланиш, балки визуал саҳна режаси, кастинг, монтаж, ранг таҳлили, овоз дизайни, визуал эффектлар (VFX), виртуал prodakshn, deepfake, de-aging, motion capture ҳамда генератив контент яратиш

каби замонавий йўналишлар ҳам сунъий интеллект технологиялари билан уйғун ҳолда ўрганилмоқда.

Институтда Ўзбекистон санъат ва маданият таълимида сунъий интеллект технологияларини интеграция қилишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш, креатив индустрия учун рақамли компетенцияларнинг янги модели ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, халқаро тажрибалар асосида Ўзбек кино мактабининг инновацион йўналишларини таркиб топтириш, сунъий интеллектнинг этик, ҳуқуқий ва маданий таъсир механизмларини таҳлил қилишни ўрганиш каби йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, кино санъати таълими йўналишида талабаларнинг рақамли компетенцияларини ривожлантиришга доир илмий-тадқиқот иши олиб борилиб, унда янгича ёндашув тақлиф этилди. Яъни генератив кино, трансмедиа ҳикоячилик ва рақамли драматургия каби замонавий ижодий йўналишлар таълим жараёнига инновацион ғоя сифатида киритилди.

Ушбу янгилик кино таълимида рақамли технологиялар ва ижодий тафаккур уйғунлигини кучайтириб, талабаларнинг замонавий медиаконтент яратиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Натижада ёш ижодкорлар нафақат анъанавий кино ижодини, балки сунъий интеллект ва рақамли платформалар асосида ишлайдиган янги форматдаги ҳикоячилик ва драматургия имкониятларини ҳам ўзлаштиришга муваффақ бўлади.

Шу жиҳатдан, рақамли технологиялар билан уйғунлашган кино таълими келажақда миллий кинематографиянинг инновацион ривожланишига хизмат қилувчи муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

МУЛОҲАЗА



Шохруҳ ЎКТАМОВ,
ЎзХДП Фарғона вилоят
кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги
Ёшлар парламенти раиси
ўринбосари.

Ҳар биримиз ишга, ўқишга ёки яна бир бошқа юмушлар билан кўчага чиқамиз. Табиийки, йўл ҳаракатининг иштирокчиси бўламиз. Кимдир ҳайдовчи, кимдир пиёда сифатида йўлда ҳаракатланади. Аммо йўлга чиққан инсонни фақат манзилга етиб бориш эмас, балки хавфсиз етиб бориш масаласи ҳам ташвишга солади.

Кун бошланиши билан кўчаларда ҳаракат жонланади: кимдир шошиб ишга улгурмоқчи, кимдир фарзандини мактабга, боғчага олиб кетмоқда, яна кимдир ўқишга отланган. Ўз-ўзидан бу шошқалоқлик ва тирбандлик орасида баъзан сабр-тоқат камаяди, эҳтиёткорлик сусаяди.

Шундай ҳайдовчилар борки, бир неча сония вақт ютиш учун тезликини оширади, машинани хавфли тарзда бошқаради, йўл қоидаларига амал қилмайди. Бир қарашда бу оддий ҳолатдек туюлиши мумкин. Аммо бундай ҳаракатлар йўлдаги хавфни кескин оширади. Чунки йўл ҳаракатидаги ҳар бир нотўғри қарор бошқа инсонларнинг ҳам ҳаётига таъсир қилиши мумкин.

Тўғри, охирги йилларда мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида кўплаб чора-тадбирлар қўрилмоқда. Аммо шунга қарамай, бу борада ижобий ўзгаришлар кўп, деб бўлмайди. Ачинарлиси, айрим ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини бузишда давом этмоқда. Бунинг ортида йўл-транспорт ҳодисалари сони кунора кўпаймоқда. Бу мудҳиш ҳалокатлар оқибатида қанчадан-қанча инсонлар соғлиғига путур етляпти ёхуд умрига зомин бўлмоқда.

Афсуски, баъзи ҳолларда ҳатто ёш болаларнинг транспорт воситасини бошқариши натижасида инсон ўлими билан боғлиқ мудҳиш

ХАВФСИЗЛИК – БУ ФАҚАТ ҚОИДА ЭМАС,

инсон ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ масъулиятдир

ҳолатларга ҳам гувоҳ бўляпмиз. Бу эса жамият учун жиддий огоҳлантиришдир.

Рул ортида ўзимизни тажрибали, эҳтиёткор ва вазиятни тўлиқ назорат қилаётган инсон, деб ҳисоблаймиз. Аммо бир савол устида жиддий ўйлаб кўрганмизми: йўлдаги энг катта хавф носоз автомобилми ёки бошқарув рулини ушлаб турган инсоннинг ички ҳолатими?

Кўпчилик авариялар ҳақида эшитганимизда, аввало, техник сабабларни ўйлаймиз: тормоз ишламай қолган, автомобиль носоз бўлган, йўл шароити қийин бўлган. Албатта, техника ва инфратузилма ҳам муҳим омиллардан бири. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, йўл-транспорт ҳодисаларининг катта қисми айнан инсон омили билан боғлиқ. Бу кўп ҳолларда инсоннинг ички зўриқиши, стресси ва ҳиссий бошқарув даражаси оқибатларидир.

Шошилиш, эътиборсизлик, чарчоқ, телефондан фойдаланиш ёки стресс ҳолатида транспорт бошқариш каби омиллар ҳайдовчининг диққатини пасайтиради. Айниқса, тирбандлик пайтидаги агрессив ҳайдаш, сабрсизлик, тезликини кескин ошириш кўплаб хавфли вазиятларни юзага келтиради.

Тасаввур қилайлик, эрталаб ишга кечикаётган ҳайдовчи катта тирбандликка тушиб қолади. У аллақачон вақт босими остида. Олдинги автомобиль секин ҳаракатланаётгани унга тўсқинлик сифатида кўринади. У кескин равишда бошқа қатнов қаторига ўтади. Орқа томондан келаётган транспорт воситасининг тезлигини нотўғри баҳолайди. Натижада тўқнашув содир бўлади. Йўл-транспорт ҳодисасининг расмий сабаби нотўғри манёвр деб кўрсатилади. Аслида сабаб стресс ортидан назоратнинг пасайишидир.

Тирбандликда турганда айрим ҳайдовчиларда психологик босим ва “қочиш реакцияси” кузатилади. Яна бир мисол, ёзининг иссиқ кунида, тикилинч чорраҳада узоқ вақт ҳаракатланмасдан туриш баъзи ҳайдовчиларда “қамалгандек” туйғуни келтириб чиқаради. Юрак уриши тезлашади, нафас қисади,

ички безовталиқ ортади. Гўё ўзида назоратни йўқотгандек ҳис қилиш, вақт кетаётганидан асабийлашиш, тикилинч жойда “қамалгандек” туйғу, юрак тез уриши, ҳаво етишмаслиги каби ҳолатлар намоён бўлади.

Бу аслида стрессга жавобан организмнинг реакцияси. Мия хавф, деб қабул қилади ва тана тезлашишга буйруқ беради. Натижада одам тез ҳайдаш орқали ички босимни “туширмоқчи” бўлади. Бу баъзида клаустрофобик ёки енгил паник ҳолатлар сифатида ҳам кузатилади. Кўп йўл-транспорт ҳодисалари айнан ҳиссий ҳолат бошқарувни эгаллаб олган пайтда содир бўлади.

Шунда савол туғилади: ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш жараёнида инсондаги психологик омил ёки кечинмалари етарлича инобатга олинаяптими?

Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими техника, инфратузилма ва ҳуқуқий нормалар билан бир қаторда инсоннинг ички психологик барқарорлигига ҳам таянган ҳолда қурилиши лозим. Ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш жараёнида психологик омилни инобатга олиш масаласи эса долзарб.

Шу маънода ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш жараёни асосан назарий билим ва амалий ҳайдаш кўникмаларини текшириш эмас, бунда психологик омилларга ҳам эътибор қаратиш керак, деб ўйлайман. Чунки рулда ўтирган инсон фақат техника билан ишламайди — у қарор қабул қилади, вазиятни баҳолайди ва ҳиссий реакция билдиради. Агар ҳайдовчи тез асабийлашса, стрессга чидамсиз бўлса ёки сабр-тоқати етарли бўлмаса, бу унинг йўлдаги ҳаракатларига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, тирбандликда сабрсизлик, бошқа ҳайдовчиларга нисбатан агрессия, кескин манёврлар қилиш ёки шошиб қарорлар қабул қилиш ана шундай ҳолатлардан келиб чиқади.

Амалиётда айрим шахслар мунтазам равишда тезликини ошириш, хавфли қувийб ўтиш, кескин бурилишлар каби қоидабузарликларни содир этади. Бу оддий “бепарволик” эмас, балки

бекорор хулқ кўриниши бўлиши мумкин.

Дунёнинг айрим давлатларида ҳайдовчилик ҳуқуқини бериш ёки тиклаш жараёнида психологик баҳолаш тизими мавжуд. Халқаро тажриба бу ёндашувнинг асосли эканини кўрсатади. Масалан, Германияда маст ҳолда ёки агрессив тарзда ҳайдаш ҳолатларидан кейин тиббий-психологик текширув ўтказилади. Унда шахснинг масъулияти, импульс назорати ва хавфга муносабати баҳоланади. Финляндия ва Буюк Британияда эса оғир руҳий бузилишлар аниқланса, ҳайдовчилик ҳуқуқига вақтинчалик чеклов қўйилиши мумкин. Японияда ҳам айрим оғир психик ташхислар гувоҳнома беришга тўсқинлик қилиши мумкин. Бу жазолаш эмас, балки хавф омилларини аниқлаш воситаси бўлади.

Шу мақсадда, қонунчиликда қоидабузарлар учун реабилитация тизimini жорий этиш лозим. Тез-тез жарима олган ёки агрессив ҳайдаш қайд этилган шахслар учун юқоридаги йўналишларда қайта аттестация механизмни жорий қилиш керак.

Қонуности ҳужжат билан оғир депрессив, назоратсиз эпилептик тутқанок, оғир импульс назорати бузилиши каби ташхислар мавжуд бўлса, гувоҳнома вақтинча тўхтатилиши ёки берилмаслиги масаласини инобатга олиш лозим. Бу орқали ҳайдовчилик гувоҳномаси беришда шахснинг транспорт воситасини хавфсиз бошқариш қобилиятига таъсир этувчи тиббий ва психологик ҳолатлар ҳисобга олинади. Яъни, масала шунчаки темперамент эмас, балки хавфсизликка реал таҳдид даражасида бўлиши керак. Нотўғри талқин бўлмаслиги лозимки, психологик баҳолаш натижаси ҳайдовчилик ҳуқуқини автоматик равишда бекор қилишга асос бўлмайди, балки қўшимча текширув ёки реабилитация чораларини қўллаш учун хизмат қилади.

Шу мақсадда соҳада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ҳайдовчилик гувоҳномаси бериш ва тиклаш тартибид

психологик баҳолашни мажбурий мезон сифатида киритиш, йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахслар учун реабилитация тартибини ишлаб чиқиш, гувоҳнома беришда клиник жиҳатдан хавф туғдирувчи ҳолатлар аниқланса, вақтинчалик чеклов қўйиш механизмни қонуний тартибга киритиш таклифларини илгари сураман.

Кўпчилик “агар жарима ёки қаттиқроқ жазо бўлмаса, йўлда ҳеч нарса ўзгармайди” деган хулосага келиши мумкин. Бироқ, бу ташаббуснинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки инсонларнинг онгини, ички назоратини ва масъулият тушунчасини шакллантиришдир.

Бугун йўлларда хавфсизлик ҳақида гап кетганда, кўпинча инфратузилма, жарималар ёки назорат камераларини тилга оламиз. Аммо бир ҳақиқатни тан олиш вақти келмадимикан: энг мураккаб ва энг нозик тизим бу инсоннинг ўзидир.

Агар йўл-транспорт ҳодисаларининг илдизи кўпинча инсон омилга бориб тақалса, демак, хавфсизлик сиёсати ҳам инсоннинг ички барқарорлигини эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Ҳайдовчилик гувоҳномаси бу шунчаки бошқарув ҳуқуқи эмас, балки жамоат хавфсизлиги учун масъулиятдир.

Савол очиқ қолади: биз йўлларда фақат темир ва асфальт хавфсизлигини таъминлаяпмизми ёки инсон онгининг барқарорлигини ҳам назарда тутаяпмизми? Чунки баъзан энг хавфли носозлик двигателда эмас, бошқарув рулини ушлаб турган инсоннинг ички ҳолатида бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳайдовчиликка тайёргарлик жараёнида фақат қоидаларни ўргатиш эмас, балки йўлдаги психологик маданиятни ҳам шакллантириш муҳим.

Чунки хавфсиз ҳайдовчилик — бу фақат рулни бошқариш маҳоратмас, балки ўз ҳиссиётларини бошқара олиш маданияти ҳамдир. Йўлдаги хотиржамлик ва сабр баъзан энг яхши хавфсизлик воситаси бўлиб хизмат қилади.



БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб тахминан 2,7 миллион киши одам савдосига қўрбонига айланмоқда. Экспертлар ўрганишлари ушбу жиноят ортидан уюшган манфур гуруҳларнинг йиллик даромади 7 млрд доллардан ошишини кўрсатмоқда. Хавотирли томони шундаки, одам савдоси қўрбонларининг 80 фоизи аёллар ва болалардир. Мажбурий меҳнат, инсон органларини сотиш ва жинсий эксплуатация бу жиноятнинг глобал кўлами ортиб бораётганига сабаб бўлаётган асосий омиллардан ҳисобланмоқда.

Дарвоқе, мажбурий меҳнатга жалб этилганларнинг 85 фоиздан зиёди эркаклар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Инсон шаъни ва қадр-қимматига таҳдид солувчи оғир жиноятлар сирасига кирувчи одам савдоси ва мажбурий меҳнат ҳамда уларнинг оғир оқибатларига қарши курашиш масаласи халқаро ҳамжамият учун кун тартибидagi энг долзарб мавзулардан бири бўлиб қолаётгани ҳам бежиз эмас.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Дунё давлатлари ушбу иллатга барҳам беришни инсон ҳуқуқларини

ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

шакллантириш ва унинг самарали амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Шунингдек, мазкур жиноятларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, жабрланган шахсларни ҳимоялаш ва реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва профилактика ишларини кучайтириш ҳам комиссия фаолиятининг муҳим йўналишларидир.

Мамлакатимиз Конституциясида инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати ва эркинлиги олий қадрият сифатида эътироф этилган бўлиб, давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга тизимли ёндашмоқда. Мазкур соҳадаги асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири – “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш, уларга тиббий, психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, жамиятга қайта интеграция қилиш бўйича давлат органлари ҳамда ташкилотларининг аниқ ваколатлари кўрсатиб берилган. Жиноят кодексига одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Бироқ, шунча кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганига қарамай, ҳар йили “замонавий қуллик”, яъни одам савдоси ва мажбурий меҳнат қўрбонларига айланаётган миллионлаб инсонлар орасида юртдошларимиз ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз. Ушбу жиноятларга туртки бўлаётган бош сабаблардан бири эса одамларимизнинг қонуний йўл билан хорижга бориш ва

ишга жойлашиш борасида етарли маълумотга эга эмаслиги билан боғлиқ, десак янглишмаймиз.

Чегара ва миллат танламаётган бу трансмилий жиноятлар пировардида инсоният цивилизациясига очикдан-очик тўсиқ экани, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдириши кишини сергак торттиради.

АНИҚ ҚАДАМЛАР ВА ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

Юртимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича комплекс институционал тизим шакллантирилган. Жумладан, ҳозирги кунда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази фаолият юритмоқда.

Сўнгги уч йиллик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, юқоридаги Реабилитация маркази томонидан жами 900 га яқин хизмат кўрсатилган бўлиб, уларнинг 257 таси тиббий, 179 таси юридик, 242 таси психологик ва 221 таси ижтимоий хизматлардан иборат.

Одам савдосига қарши курашиш соҳасида давлатларнинг фаолиятини баҳолашда муҳим халқаро манбалардан бири АҚШ Давлат департаменти томонидан ҳар йили эълон қилинадиган “Trafficking in Persons Report” ҳисоботи ҳисобланади.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон сўнгги йилларда мазкур рейтингда сезиларли ижобий натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, 2020 йилда мамлакатимиз Tier 2 Watch List тоифасида қайд этилган бўлса, амалга оширилган ислохотлар натижасида 2021 йилдан бошлаб Tier 2 тоифасига кўтарилиди ва кейинги йилларда ҳам ушбу тоифада ўз позициясини сақлаб келмоқда.

Замонавий халқаро амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши самарали курашиш “4 Р” тамойили – Prevention, Protection, Prosecution, Partnership, яъни профилактика, ҳимоя, жиноий таъқиб ва ҳамкорлик асосида амалга оширилганида юқори натижа беради.

Шу бois келгусида профилактика чораларини янада кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, меҳнат миграцияси жараёнларида хавф омилларини барвақт аниқлаш ҳамда жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва жамиятга қайта интеграциясини таъминлаш бўйича механизмларни такомиллаштириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қолаверса, бу соҳада тизимли ишлар халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ва ўзаро ҳамкорликка асосланса, янада самарадорлик ортади. Одам савдоси ва мажбурий меҳнат, бошқача айтганда, инсоний ҳуқуқ ва эркинликларга ғайриқонуний ҳамда ғайриахлоқий равишда дахл қилиш кеңиб бўлмас жиноят, оғир гуноҳдир. Замонавий қулликнинг бундай кўринишларини таг-томири билан даф этиш барча жабҳада инсон қадри устунлигини таъминлаш ва фуқаролар учун муносиб турмуш шароитини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тақозо этаётгани аини ҳақиқат. Сизу биз эса бундай мудҳиш жиноятларнинг олдини олиш учун сергакликини, ён-атрофимиздаги воқеликларга бефарқ қарамасликини ҳаётий мезонга айлантирмоғимиз, ижтимоий барқарорликка дахлдорлик ҳиссини унутмаслигимиз зарур.

Фарид НАЗАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги
бўлим бошлиғи.

Табиат ўзининг турли ҳодисаларга бой экани билан инсонларни ҳайратлантириб келади. Қадим-қадим замонлардаёқ одамлар, айниқса, фасллар алмашиши жараёнида содир бўладиган об-ҳаво ўзгаришлари, қушлар ва ҳайвонларнинг бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга кўчиши, баъзи бир жонзотларнинг уйқуга кетиши ва уйғониши каби ҳолатларга бефарқ бўлишмаган.

Чунки табиатдаги ҳар қандай ўзгариш ўзига хос тақвим вазифасини ҳам бажарган десак, муболага бўлмайди. Мисол учун, ўрдак, ғоз ва турна каби кўчмачи қушларнинг шимолдан жануб томонга қараб учини киш эшик қоқиб келаётганини англагган ва одамлар дала, боғлардаги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга киришганлар, қаҳратон кунларга озиқ-овқат ва ўтин захира қилиб қўйганлар. Худди шунингдек, баҳор фаслининг илк ойида ҳаво аста-секин илий бошлаган кунларда худди киш чилласидагидек қаҳратон совуқнинг бўлиши ҳам табиат “тили”ни тушунган кишиларга кўп нарсаларни аңглатган. Аждодларимиз баҳорнинг дастлабки илиқ кунларида бирдан совуқ тушишини “аямажуз” деб аташган. “Аямажуз – олти кун, олти ой қишдан қаттиқ кун” деган маталларни табаррук момоларимиз ва боболаримиздан кўп эшитганмиз. Ҳақиқатан ҳам нари борса, бир ҳафта давом этадиган баҳорги бу совуқнинг қаттиқлиги ҳақида олис ўтмишларга бориб такаладиган афсона ва ривоятлари бор. Манбаларда таъкидланишича, “аямажуз” арабча “айём” ва “ажуз” сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлиб, “кампир кунлари” маъносини аңглатар экан. Бунинг сабаби шунки, қадим замонлардан бери одамлар қаҳратон қишни баджаҳл кампирга ўхшатганлар. Бир жойда тўқсон кун ҳукмронлик қилган қишмомо кетар жафосига бор ғазабини сочиб кетар экан. “Аямажуз олти кун, қаҳр айласа – етти кун, сакраса – саккиз кун, тўсрайса – тўққиз кун” деган матал ҳам тилдан-тилга ўтиб келган. Аямажуз кунлари қиш фаслининг нақ чилласидагидек қаттиқ совуқ, изғирин, қор ва ёмғирлар билан ўтшини барчамиз яхши биламиз. Эл орасида ҳозирги



АЯМАЖУЗ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

кунда ҳам “Дуои фотиҳа ўқиганда Аямажуз момони ҳам ёд этиш керак, ана шунда у ғзаб қилиб, бизни қийнамайди”, деган содда қарашлар борлигига гувоҳмиз. Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” (“Фан” нашриёти, Тошкент – 1968) китобида баҳорнинг дастлабки кунларида бўладиган “Мино кечаси” ҳақида шундай ёзади: “...Хоразмликлардан баъзи бирларининг айтишича, Мина уларнинг подшоҳлари ва улўғларидан чиққан аёл бўлиб, у кечаси маст ҳолда ипак кийимда қасрдан ташқарига чиққан. Бу баҳор фасли эди. Қаср ташқарисида йиқилиб қолган. Унинг уйқуси ғалаба қилиб, ухлаб қолганида ўша кечанинг совуғи уриб, ўлган. Одамлар баҳор фаслининг шундай кечасида инсонни совуқ ҳалок этганига ажабланиб, бу ҳодисани бевақт юз берувчи одатдан ташқари ажойиб нарса тарихига айлантирганлар”. Аллома келтирган маълумотлардаги “Мино кечаси” баҳорги аямажунинг айнан бошланиши эканига шубҳа йўқ. Аямажуз ҳақида Марказий Осиёдаги кўпгина халқларда бир-бирига ўхшаш ривоят ва афсоналар кўп учрайди. Қозоқлар уни “Ўтамали” дейишади. Бу чорванинг қўзилаш мавсумига тўғри келгани боис чўпон-чўлиқлардан хушёр бўлиш талаб қилинади. Тунда сурувни пана-пастқам жойларда сақлаш зарурлиги ўқтирилади. Чунки кечаси туғилган қўзичоқ ва улоқлар аямажуз совуғида нобуд бўлиши ҳам мумкин экан. Қўйи Амударё минтақасида азал-азалдан “қойлар” тушунчаси мавжуд. “Қой”

деганда одамлар маълум тур қушларнинг учиб келиши билан об-ҳавонинг кескин ўзгариб туриши тушунилади. Қой, қискача айтганда, қушлар миграциясидир. Читтак қойи – қиш чилласининг тузганани, қалдирғоч қойи – Наврўзининг бошланганини, турна қойи – ерга уруғ экиш мумкинлигини, какку қойи – тут пишиқчилигининг бошланганини, кўккарга қойи – жавзонинг кирганини аңглатган. Аямажуз эса ана шу қойларнинг бошланиши ҳам деб тахмин қилинади. Умуман олганда, табиат ҳодисалари жуда қадим замонлардан буюн деҳқонлар, балиқчилар ва кемачилар учун ўзига хос тақвим вазифасини ўтаган. Одамлар ана шу қушлар миграцияси туфайли об-ҳаво ўзгаришларига қараб муҳим ишлари режалаштирганлар. Масалан, “Бўлмаса какку қойи – жўхори сеча (чумчуқ, синчалак) пойи” мақоли айнан кўп йиллик кузатишлар, тажрибалардан келиб чиқиб айтилган. Одатда оқжўхори май ойининг ўрталарида экилади. Бу даврда ўлкамизга какку учиб келиб, бор овозда сайраб юради. Агар оқжўхори какку келишидан олдин экиладиган бўлса, у август ойи бошларида донлай бошлайди. Бу вақтда иштаҳаси карнай чумчуқлар ҳали қотиб улгурмаган жўхори донларини еб ҳосилни нобуд қилар экан. Агар оқжўхори май ойи ўрталарида экилса, у сентябрь ойи ўрталарида донлай бошлайди. Бу вақтда чумчуқлар нега унга ҳужум қилмайди, деб ўйлайсиз? Албатта, табиатнинг ўзи ҳар бир нарсани тартибга солиб тургувчи доно раҳбардир. Август ойи ўрталарида қўл ва ариқлар бўйларида баравж

ўсаётган қамиш ва яканлар учида попук ва қўға чиқариб, гуллай бошлайди. Чумчуқлар ана ўша қамиш ва яканлар попуғи ва қўғасидаги майда гулчаларни еб тиқилиб қоларкан. Бу вақтда митти жониворлар ўз нафсининг жабрини тортиб бирон нарсгага тумшук уролмайди. Пировардида уларнинг кўпчилиги нафаси тиқилиб нобуд ҳам бўлишади. Омон қолганлари яна яшашда давом этаверади. Қизиги шундаки, чумчуқлар қамиш, якан попуғи ва қўғалари гулчаларига тиқилиб, ҳаёт-мамот масаласи билан курашаётган бир паллада оқжўхорилар етилиб, дони қотишга улғуриб ҳам олади... Хуллас, аждодларимиз табиат ҳодисаларини ўзига хос тақвим деб билганлар ва аямажуз ана шу тақвимларнинг боши бўлганига шубҳа йўқ. Боиси, аямажуз йўлга отланиб, сакраниб, тўсрайиб кетаётган қишнинг сўнгги саркашлиги бўлса, ундан кейин Наврўз келиши, деҳқончилик ишлари бошланишидан ҳам дарак берган. Аямажудан сўнг ота-боболаримиз омон ва кетмонларини тоблатиб, чархлатиб, хўкизлари шоҳларини ёғлаб, ер ҳайдашга тайёрлаб қўйганлар. Баджаҳл, сиркаси сув кўтармайдиган қишмомо – аямажудан қутулган халқ эса дала-даштларда қозон осиб, Наврўзни нишонлашга тараддуд кўрганлар. Дарҳақиқат, ўтмишдаги ҳар бир ривоят ва афсоналар бежиз ўйлаб топилмаган. Уларнинг замирида чуқур маъно-моҳият мужассам аслида. Уларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш ўлкашунослар олдида турган муҳим вазифалардан саналади. **Эрпўлат БАХТ, Хоразм.**

ХОРИЖ

ГЕРМАНИЯ: ЎЙЛАРГА МЕТЕОРИТ БЎЛАКЛАРИ ТУШДИ



Германиянинг ғарбий ҳудудларидаги кўплаб аҳоли осмонда ёруғлик ҳодисасини кузатгани ва кейинроқ бу метеорит экани маълум бўлди. Германия полицияси 8 март, якшанба куни шикастланишлар ҳақидаги маълумотларни берди. Хусусан, Кобленц шаҳрига, шунингдек, Рейнланд-Пфальц федерал еридаги Хунсрюк ва Айфель тоғли ҳудудларига келиб тушганини ҳамда метеоритнинг бўлаклари бир нечта турар жойларнинг томларига ҳам шикаст етказганини маълум қилди. Шунингдек, 8 март кечкурун Германиянинг яна қатор ҳудудларида метеоритни кузатган гувоҳлар ижтимоий тармоқларда видео ва суратларни эълон қилган. Бошқа тахминлар қаторида ракета учиб ўтгани ҳақидаги фикрлар ҳам билдирилган. Бироқ ҳуқуқ-тартибот идоралари хавфсизликка таҳдид белгилари йўқлигини таъкидлаган.

ТУРКИЯ: МИГРАНТЛАР ҚАЙИҒИ ЧЎКИБ КЕТДИ



Туркиянинг Анталия вилояти қирғоғи яқинида ноқонуний тарзда мигрантларни олиб кетаётган қайиқ ҳалокатга учради. Маҳаллий расмийлар гувоҳлик беришича, ҳозир камида 14 киши ҳаётдан кўз юмгани маълум. Туркиянинг матбуот хабарномасида эрталаб Демре тумани сувида болалар ва аёлларни олиб келаётган қайиқ кўрингани айтилган. Шунингдек, соҳил кўриқлаш хизмати қайиғи яқинроқ бориб, тўхташ ишорасини билдирганда, бошқарувчилар қочишга уринган. Кескин бурилиш натижасида икки қайиқ тўқнашиб кетган. Омон қолганлар қирғоққа олиб чиқилган, жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилган. Расмийлар ҳодиса юзасидан қўшимча маълумот берган. Қирғоқ кўриқлаш хизмати томонидан 7 нафари қутқариб қолingan муҳожирлар афғонистонлик экан. Жами 14 киши ҳибсга олинган.

ПОЛЬША: ЧЕТ ЭЛЛИКЛАРГА ЕР СОТИШ ЎН ЙИЛГА ТАҚИҚЛАНДИ



Польша Президенти Карол Навроцкий хорижликларга ер сотишни ўн йилга тақиқловчи қонунни имзолади. – Бу гал бир йўла 10 та қонунни имзолашга қарор қилдик, – деди давлат раҳбари. – Жумладан, менинг ташаббусим билан ишлаб чиқилган махсус лойиҳа – қишлоқларимизни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни деярли бутун парламент қўллаб-қувватлади. Энди 10 йил давомида Польша ерлари чет элликларга сотилмайди. Навроцкий лавозимга киришиши билан ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишга бел боғлаганини таъкидлади.

ҲАМКОРИМИЗ

МАҚСАД – КОРРУПЦИЯВИЙ ИЛЛАТЛАРНИ БАТАМОМ БАРТАРАФ ЭТИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Миллий матбуот марказида “Микрокредитбанк”да 2025 йил давомида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ўтказилган навбатдаги брифингда банкда коррупция иллатларининг олдини олишга қаратилган ишлар, коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган махсус таркибий тузилма фаолияти бўйича маълумот берилди. Хусусан, ўтган давр мобайнида “Микрокредитбанк” АТБ тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида барча жараёнларни рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш, ички регламент ва йўриқномаларни қатъий йўлга қўйиш, ходимларни ротация қилиш, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни жорий этиш, ходимлар учун одоб ва ахлоқ кодексига риоя қилиш чоралари кўрилган. Бундан ташқари, 2025 йил

давомида банкда коррупцияга қарши ички назорат тизими такомиллаштирилган. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш бўйича мавжуд 16 та ички сиёсат ва тартиб-таомиллар қайта кўриб чиқилиб, шундан 7 таси янги таҳрирда ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, банк бош офиси ва ҳудудий бошқармаларида компаеанс-назорат тизими кучайтирилиб, банкнинг худудий бошқармаларида коррупцияга қарши назорат бўйича янги штат бирликлари ташкил этилган. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида ҳар йил якуни бўйича ва янги ишга қабул қилинган ходимлар томонидан декларация топириш амалиёти жорий қилиниб, барча ходимлар томонидан декларациялар тақдим этилиши таъминланган. Қолаверса, хавф-хатарларни баҳолаш бўйича ҳисобот даврида маълумотлар “Е-Antikor” электрон платформасига



юкляниб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини қабул қилиш бўйича 6 та алоқа каналлари шу жумладан, “Ишонч телефони”, махсус электрон почта, телеграм канали, Фейсбук, банкнинг расмий веб-сайти ва “Маврид” мобиль иловаси орқали мурожаатларни қабул қилиш имконияти яратилган. Ўтган йил давомида ушбу алоқа каналлари орқали келиб тушган жами 202 та мурожаат ўрганилиб, айримлари бўйича тегишли таъсир чоралари кўрилган.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши кураш доирасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида банкда ҳар ойнинг иккинчи чоршанбаси “Коррупцияга қарши курашиш кунини” деб эълон қилинган. 2025 йилнинг август ойида ўтказилган халқаро кузатув аудити натижаларига кўра, банк фаолияти ижобий баҳоланиб, коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти бўйича ИСО 37001:2016 халқаро сертификати қайта тасдиқланган. Хулоса қилиб айтганда, ўтган 2025 йил давомида Микрокредитбанк тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган комплекс ва тизимли ишлар натижасида банк фаолиятининг шаффофлиги, қонунийлиги таъминланиб, жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга эришилган.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.**

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

MUASSIS:



**O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI**

O'zbekiston Ovozi

TAHRIIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 337. 2692 nusxada bosildi.	O'za yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220.	Topshirilgan vaqti — 22:40
t — Tijorat materiallari	1 2 3 4 5 6
	Sotuvda kelishilgan narxda